



KOREAN DIASPORA IN TASHKENT REGION

Holbek Sulaimanov

senior researcher at the Laboratory of Applied Ethnology, Faculty of History
National University of Uzbekistan
Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Koreans, nation, diaspora, culture, economy, language, food, national clothes, marriage.

Received: 24.01.25

Accepted: 26.01.25

Published: 28.01.25

Abstract: The article describes the history of the Korean nation's entry into our country, the Korean households formed in the Tashkent region, and their way of life. At the same time, the national costumes, cuisine, language, and marriage ceremonies of the Koreans in the region are described. At the same time, the article also presents a statistical analysis of the distribution of Koreans in the Tashkent region by region.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАГИ КОРЕЙС ДИАСПОРАСИ

Холбек Сулайманов

Тарих факультети “Амалий этнология” лабораторияси катта илмий ходими
Ўзбекистон Миллий университети
Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Корейслар, миллат, диаспора, маданият, хўжалик, тил, таомлар, миллий кийимлар, никоҳ.

Аннотация: Мақолада корейс миллатининг юртимизга кириб келиш тарихи, Тошкент вилоятида шаклланган корейс хўжаликлари, уларнинг турмуш тарзи кўрсатилиб ўтилган. Шу билан бирга вилоятдаги корейсларни миллий кийимлари, таомлари, тили ҳамда никоҳ маросимлари баён этилган. Айни вақтда мақолада Тошкент вилоятидаги корейсларнинг ҳудудлар бўйича жойлашувини статистик таҳлили ҳам келтириб ўтилган.

КОРЕЙСКАЯ ДИАСПОРА В ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ

Холбек Сулайманов*Старший научный сотрудник лаборатории прикладной этнологии**Национального университета Узбекистана**Ташкент, Узбекистан***О СТАТЬЕ**

Ключевые слова: корейцы, нация, диаспора, культура, экономика, язык, кухня, национальная одежда, брак.

Аннотация: В статье описывается история проникновения корейской нации в нашу страну, корейские домохозяйства, сформировавшиеся в Ташкентской области, их быт. В то же время описываются национальные костюмы, кухня, язык и брачные обряды корейцев региона. Вместе с тем в статье представлен и статистический анализ распределения корейцев Ташкентской области по регионам.

Кириш: Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўз тараққиёт йўлини ўзаро ҳамкорлик, ишонч, мустаҳкам дўстлик алоқалари билан боғланган икки давлатдир. Айниқса сўнгги йилларда корейс ишбилармон доираларининг Ўзбекистонга кириб келишини ортиши ёки ўзбек фуқароларининг ўқиш, ишлаш мақсадида Жанубий Кореяга бориши бунга яққол мисолдир.

Бу каби алоқалар қадим даврлардан бошланган бўлиб, тарихий манбаларда дастлаб Турон заминига савдо алоқаларини тиклаш мақсадида келган корейс вакилларни Афросиёбдаги Сўғд ҳукмдорининг элчиларни қабул қилиши тасвирланган сарой мажмуаси суръатларида (VII аср) учратишимиз мумкин[1].

Ўрта асрларда ҳам икки юрт вакилларини савдо алоқлари мавжуд бўлган, лекин манбаларда бу ҳақида кам маълумотлар учрайди. XIX асрнинг охирига келиб расман Ўзбекистон ҳудудида корейс миллати қайд этила бошланган[2].

1924 йилда Тошкентда Туркистон республикаси корейслари жамияти тузилади. 1933 йилда Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида 22 та, 1934 йилда 30 та хўжалик бўлган[3].

1937-1938 йилларда собиқ совет тузуми зўравонлик билан Россиянинг Узоқ Шарқ ўлкасидан 74 500 нафар этник корейслар Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг чўл ва ўзлаштирилмаган ҳудудларига кўчирилади[4].

Бунга асосий сабаб СССР билан Япония ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашуви бўлган. Ўша даврда Корея ярим ороли Япония томонидан босиб олинган бўлиб, туб корейс аҳолиси билан Узоқ Шарқ ҳудудидаги корейсларнинг этник келиб чиқиши бир эди.

Кўчирилган корейсларнинг катта қисми Тошкент, Самарқанд вилоятлари, Фарғона водийси ва Қорақалпоғистон Республикасининг қишлоқ жойларига жойлаштирилган[5].

Ўша йиллари Тошкент вилоятининг Бекобод туманида: “Янги ҳаёт”, “Авангард”, “Правда” номли дастлабки корейс колхозлари ташкил этилади.

Кейинчалик Тошкент вилоятининг кўпгина туманларида корейс миллати вакиллари кишлоқ хўжаликлари пайдо бўлади. Булар дастлабки “Кутб юлдузи” (*ҳозирги кунда унинг биринчи раиси Ким Пен Хва номи билан аталади*), “Политотдел” (*ҳозирги “Дўстлик”*) ва бошқалардир. Ҳозирги кунда ушбу хўжаликлар аҳолиси кўпмиллатли бўлиб, корейслар камчилиқни ташкил этади[6].

Корейслар Ўзбекистонда асосан кишлоқ хўжалиғи соҳасида фаолият юритган бўлиб, Тошкент вилоятидаги ҳудудлар ҳам шолиторлар учун ажратилган. Серҳосиллиғи ва кўплаб шолитор турларига базавий асос ҳисобланган *кенжол* шолитор тури ўзбекистонлик корейслар томонидан етиштирилган.

Шолитордан ташқари пахта хомашёси, кенаф, маккажўхори ва бошқа кишлоқ хўжалиғи маҳсулотларини етиштиришда эришган юксак ютуқлари учун бир неча ўнлаб корейслар социалистик меҳнат қаҳрамони унвонига сазовор бўлган.

Тошкент вилоятидаги корейслар маҳаллий кишлоқ хўжалиқ инвентарларини ўзлаштириш билан бирга ўзларининг анъанавий меҳнат қуролларини ҳам сақлаб келмоқда: енгил кетмонлар, майдалагичлар (*хоми*), ўроқ (*нат*), кундалиқ ҳаётда тўқилган скиммер (*чори*), қўл тўқмоқлари (*кхи*), сават (*конгури*), сомон қалпоқ (*саккат*) кабилар кенг тарқалган[7].

Кўпгина корейс хонандонларида ҳали ҳам иссиқ диван (*канондол*), овқатланиш учун тўртбурчак столлар (*пансан*), кичик ўриндиқлар (*моктосан*) ва баланд ёстиқлар (*нёге*) ишлатилади. Таомлари асосини ҳамон гуруч, мевалар, ловия, денгиз карами, соя, зираворлар, соуслар ва маринадлар ташкил этади.

Тошкент вилоятида корейс таомлари оммалашганлиғи боис кўплаб жойларда корейс ресторанлари, кафелар ва ошхоналар мавжуд. Корейслар томонидан тайёрланадиган салат ва тузламалар бозорларда харидорғир ҳисобланади.

Пигодия, сабзи салати кабилар Корё сарам корейсларининг кашфиёти ҳисобланади. Уй шароитида *куксу, паби* ва *сиряктямури* каби миллий таомларни тайёрлашни хуш кўришади[8].

Миллий кийимлар корейсларнинг кундалиқ ҳаётидан чиқиб кетган бўлсада, турли маросимлар пайти истеъмолда бўлиб келмоқда. Асосан давлат ва миллий байрамлар, дафн маросимлари ва қисман тўй маросимларида корейслар миллий кийимларни кийишга ҳаракат қилишади.

Корейсларда оилавий қариндошлиқ муносабатларда битта эгзогам гуруҳга мансублик (*пон*) катта рол ўйнайди ва ўзаро никоҳ қуриши тақиқланади. Корейслар орасида аралаш

никоҳлар ҳам учраб турсада, миллат бардавомлигини сақлаб қолиш мақсадида ўз миллатлари вакиллари ўртасида қуда-андачилик ришталарини боғлашга алоҳида эътибор берадилар.

Ўзбекистон корейслари тили (*корё мар*) асосан кундалик ҳаётда ишлатилади ва кўпроқ ёши катта кишилар ҳиссасига тўғри келади. Сўнгги йилларда корейс ёшлари ҳам корейс тилини ўрганишга қизиқиши ортмоқда.

Тошкент вилоятида корейс (*Жанубий Корея*) тилини ўргатувчи марказлар фаолият юритиб келмоқда.

Шаҳарларда яшовчи корейслар кўпроқ рус тилида сўзлашади. Қишлоқларда яшовчилари эса ўзбек тилини яхши билишади.

Тошкент вилоятида корейс диаспораси вакиллари нафақат қишлоқ хўжалиги балки давлат бошқаруви, хизмат кўрсатиш, тадбиркорлик соҳаларида ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Жумладан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев корейс диаспорасининг 80 йиллиги тантанали маросими иштирокчиларига йўллаган қутловида “Биз корейс миллатига мансуб юртдошларимизнинг мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш - саноат ва қишлоқ хўжалиги салоҳиятини мустаҳкамлаш, илм-фан, таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳалар тараққиётига қўшаётган ҳиссасини юксак қадрлаймиз. Улар юртимиздаги чўлларни ўзлаштиришда фаол иштирок этди, қийин шароитларда кўриқ ерларга ишлов берди, ернинг тилини биладиган омилкор деҳқон сифатида кейинчалик энг илғорлар қаторидан жой олган хўжаликлар барпо этди. Корейс миллатига мансуб юртдошларимизнинг шонли ва фидокорона меҳнати, Ўзбекистоннинг ҳар томонлама тараққий топиши ва фаровон бўлишига қаратилган бунёдкорлик фаолияти мамлакатимиз эришган ютуқлар солномасида ёрқин саҳифа бўлиб қолади”[9] деб табрикда келтириб ўтилган .

Шунингдек Тошкент вилоятидан кўплаб корейс миллатига мансуб вакиллари давлат бошқаруви ва вакиллик органларида фаолият олиб бораётганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш зарур.

Жумладан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон Корейс маданият марказлари уюшмаси раиси Виктор Пак, маҳаллий кенгаш депутати, тадбиркор Виталий Ким ва бошқаларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Бугунги кунда Тошкент вилоятида жами 65244 нафар корейс миллати бўлиб, шундан шаҳар ва туманлар кесимида таҳлил қиладиган бўлсак Нурафшон шаҳри-3138 нафар, Олмалик шаҳари-6143 нафар, Ангрен шаҳари-7035 нафар, Бекобод шаҳари-4875 нафар, Оҳангарон шаҳари-1894 нафар, Чирчиқ шаҳари-3751 нафар, Янгийўл шаҳри-2010 нафар, Оққўрғон тумани-3117 нафар, Оҳангарон тумани-1133 нафар, Бекобод тумани-2394 нафар,

Бўстонлик тумани-588 нафар, Бўка тумани-2075 нафар, Қуйичирчиқ тумани-1025 нафар, Зангиота тумани-2305 нафар, Юқоричирчиқ тумани-990 нафар, Қибрай тумани-5194 нафар, Паркент тумани-4741 нафар, Пискент тумани-776 нафар, Ўртачирчиқ тумани-3936 нафар, Чиноз тумани-2365 нафар, Янгийўл тумани-3064 нафар, Тошкент туманида - 2695 нафар корейс миллати яшайди[10].

Хулоса қилиб шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, корейс диаспораси бир неча асрлар давомида Ўзбекистонда бошқа миллат вакиллари қатори аҳил, дўст, яқин қўшничилик муносабатлари билан яшаб келмоқда. Тошкент вилоятидаги корейс диаспораси тарихи, турмуш тарзи ва маданиятини ўрганиш орқали икки давлатнинг мустаҳкам дўстлиги кўп йиллик тарихига эга эканлиги ёритиб ўтилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Альбаум Л.И. Живопись Афрасиаба.Ташкент, 1975. С.112.
2. Этнический атлас Узбекистана. Тошкент. 2002.с 130.
3. Ким П., Корейцы Республики Узбекистана, Т., 1993.
4. Этнический атлас Узбекистана. Тошкент. 2002.С. 131.
5. Этнический атлас Узбекистана. Тошкент. 2002.С. 132.
6. Исхаков.Ф.Б.,Ким.М.В. Люди счастливой судьбы (о тружениках колхоза “Полярная звезда”). Ташкент, 1972. С.103.
7. Этнический атлас Узбекистана. Тошкент. 2002.С. 132.
8. Этнический атлас Узбекистана. Тошкент. 2002.С. 133.
9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 17 ноябрда юртимиздаги корейс диаспорасининг 80 йиллигига бағишланган тантанали маросим иштирокчиларига йўллаган табриги.
10. Тошкент вилояти статистка бошқармасининг 2024 йилнинг 1 январь ҳолатига таҳлилий кўрсаткичлари.